



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИШ

ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович,
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти*

PROSPECTS FOR DEVELOPING THE NATIONAL STATISTICAL SYSTEM

*Radjiev Ayubkhan Bakhtiorkhanovich,
Personnel training and
institute of statistical research*

JEL Classification: C4, C44

Аннотация. *Статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услубиётининг ягона кўринишида юритилмаслиги ва метамаълумотларнинг ягона тизимининг йўқлиги, респондентлардан маълумотларни йиғиш технологиясининг турличалиги маълум бир объектив муаммоларни туздиреди. Ушбу мақолада миллий статистика тизимини ривожлантириб бориш истиқболлари ёритилган ва бу тизимни ривожлантириш юзасидан хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.*

Abstract. *The non-uniformity of statistical data collection and processing methodology and the absence of a single system of metadata, and the diversity of data collection technology from respondents, cause certain objective problems. In this article, the prospects of developing the national statistical system are highlighted, and conclusions and suggestions are made regarding the development of this system.*

Калим сўзлар. *Статистика, маълумотлар, йиғиш, қайта ишлаш, ахборот, бирламчи, респондент.*

Keywords: *Statistics, data, collection, processing, information, primary, respondent*

Қириш. Бундан ташқари давалт статистикасидаги мавжуд ахборот инфратузилма доирасида юқоридаги муам-моларга дуч келиш мумкин. Бирламчи маълумотларни кераклигидан кўра кўп ҳажмда йиғиш муаммоси ҳам мавжуд бўлиб, улар статистика дастурларини бажариш учун умуман керак бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, респондентлардан қабул қилиб олинган бирламчи статистик маълумотлар-нинг миқдори ва сифати умумлаштирилган статистик ахборотларни шакллан-тириш учун оптимал кўринишда бўлмаслиги мумкин. Натижада бундай бир-ламчи статистик маълумотлардан фойдаланиш даражаси жудаям паст бўлиб, статистика дастурларини бажаришда ёки таҳлилий статистик ахборотларни шакллантиришда ҳам фойдаланиб бўлмайди.

Сўнгги йилларда статистика соҳасини ислоҳ қилиш борасида иккита Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, охириги йилларда олиб борилаётган ислохотларда статистика тизимининг жудаям муҳимлигини

инобатга олиб 2017 йил 31 июлда № 3165 “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [1], 2019 йил 9 апрелда № ПҚ-4273 “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [2] ва 2020 йил 3 августда № 4796 “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [3] қабул қилинди.

Материал ва метод. Ахборот-коммуникация тех-нологиялари ва ахборот тизимларидан миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида самарали фойдаланиш муаммоларига мамлакатимиз ва чет эл олимларининг кўпгина илмий ишлари бағишланган.

Ахборот тизимларини бошқарув жараёнларида қўллаш, уларни тизимостиларини оптимал лойиҳалаштириш, турли функционал масалаларни ечишда ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш каби йўналишларда С.Кеннет, П.Жейнлар [4] ўз тадқиқотларини олиб боришган. Бундан ташқари, улар ахборот тизимларини тармоқ технологиялари шароитида оптимал фаолият юритиши бўйича ўз таклифларини беришган. А.М Вендровнинг илмий ишларида иқтисодий ахборот тизимларининг дастурий таъминотини лойиҳалаштириш ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб

чиқиш, унинг таркибий жиҳатларини оптимал лойиҳалашти-риш, дастурий таъминотнинг иқтисодиётини юритиш, уларда ахборот хав-сизликни таъминлаш муаммолари кенг ўрганилган [5].

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларига ахборот тизимларини оптимал жорий қилиш, автоматлаштирилган ахборот тизимларини молиявий-иқтисодий масалаларни ечиш натижасида олинган иқтисодий самарадорликка эришиш йўллари, ахборот тизимларининг инструментал воситаларини ишлаб чиқиш масалалари В.В. Дикнинг илмий-тадқиқот ишларида кўриб чиқилган [6]. Б.А. Бегалов илмий ишларида статистик регламент масалаларини ечиш-нинг алгоритмлари ва моделларини, ахборотлашган жамиятнинг шакллани-ши тенденцияларини, бошқарув қарорларини қабул қилишда АКТдан кенг фойдаланиш механизмларини ва таълим жараёнларига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий қилиш муаммоларини ўрганган [7]. Т.С. Қучкаров ўз илмий ишларида ахборот-коммуникация технология-ларини молия тизими муаммоларини ҳал қилишда қўллаш, ғазначилик маса-лаларини илғор ахборот тизимлари асосида ечишнинг янги ёндашувларини ва идораларо ахборот алмашувни кенг йўлга қўйишда ахборот тизимларининг интеграциясини йўлга қўйиш кераклигини таклиф қилган [8].

Натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 октябрь 2020 йилда қабул қилинган 6079-сонли ““Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари,

электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этиш ҳамда иқтисодийнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомилларни ва операцияларни рақамлаштириш, фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда аҳоли пунктларида давлат хизматларидан фойдаланишнинг кафолатланганлигини таъминлаш ва идоралараро электрон ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштириш масалалари ҳам долзарб қилиб белгилаб берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда статистика фаолиятига рақамли технологияларни кенг қўламда жорий қилиш давлат статистика ҳисоботларини топширувчи субъектларга ҳисобот юқларини камайтиришга, бизнес учун янги қулайликларни яратишга замин яратиб боради. Бу борада истиқболда статистика рақамли платформасини (СРП) лойиҳалаштириш ва статистика амалиётига кенг жорий қилиш керак бўлади (1-расм). Ушбу платформага диссертациянинг олдинги бобларида келтирилган статистикнинг автоматлаштирилган иш ўринлари, давлат статистика ҳисоботларини қабул қилувчи статистика ахборот тизими ва "Статистика" интеграциялашган ахборот тизими ҳам жойлаштирилади. Бундан ташқари, ушбу платформага бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳам интеграция қилиниши

мумкин бўлиб, бу бирламчи статистик маълумотларни йиғиш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтиришга олиб келади.

Таклиф қилинаётган статистика рақамли платформасини статистик маълумотларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш жараёнларига кенг жорий қилиш кўйидаги масалаларни бажаришни талаб қилади:

расмий статистика ахборотларининг жамият ва бизнесда бўлган ўрнини орттириб бориш;


маълумотларни йиғишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ҳисобига респондентларнинг ҳисобот юқламаларини тубдан камайтириш;

статистик маълумотларни бир марта таҳлил қилишда бир нечта манбалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб бориш;

барча бирламчи статистик маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда таҳлилий кўрсаткичларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

расмий статистик ҳисобларни юритиш борасидаги бюджет воситалари харажатлари ҳажмини камайтириб бориш;

бирламчи статистик маълумотлар асосида таҳлилий ахборотларнинг шаклланиши ҳисобига бошқарув қарорларини қабул қилиш сифатини юқсалтириш.



1-расм. Статистика рақамли платформасининг таркибий тузилиши [9].

Статистика рақамли платформаси – бу ташкилий, методологик, техник, технологик, ахборот ва ҳуқуқий тадбирлар ҳамда қарорлар бўлиб, статистикани ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз автоматлаштиришни таъминлайди ҳамда респондентларга юкламаларни максимал камайтириш, маълумотларни йиғишни бизнес ва аҳоли учун қулай қилиш, кундан-кунга ортиб бораётган фойдаланувчиларнинг статистик ахборотларга бўлган талабини тезкор ҳолда қондиришни йўлга қўяди.

Статистика рақамли платформасининг статистика амалиётига жорий қилиниши рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси доирасида қуйидагиларни таъминлаб бериши керак бўлади:

республикамиздаги барча давлат бошқарув органларига он-лайн режимида бир марталик асосида статистик маълумотларни тақдим қилинишини таъминлаш;

доимий равишда ўзгариб турадиган ахборот эҳтиёжларига монан равишда давлат бошқаруви мақсадлари учун умумлашган статистик кўрсаткичларни шакллантириш ва улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиб бериш;

давлат статистик кузатувларида иштирок этишлари учун расмий статистика фойдаланувчилари ва респондентларга меъёрий-маълумотнований ахборотларни электрон шаклда олиш имкониятини таъминлаш;

статистик, молиявий, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини топшириш жараёнларини ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш (2-расм);

давлат бошқаруви ва бизнес-жараёнларини бошқариш учун турли кўри-нишдаги тезкор статистик

маълумотлардан фойдаланиш имконини бериш, жумладан статистик кузатувлар, рўйхатга олишлар, маъмурий ва алтернатив ахборотлар манбаларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлиши керак.

Ҳозирги кунда статистика фаолиятида диссертациянинг олдинги бобларида келтирилганидек, давлат статистика ҳисоботларини топширишнинг e-Stat 4.0–автоматлаштирилган ахборот тизими асосида респондентлар томонидан ҳисоботлар топшириш йўлга қўйилган. Давлат бошқарув орган-лари ва кичик бизнес субъектлари томонидан топшириладиган ойлик, чорак-лик ва йиллий давлат ҳисоботларининг барчаси юқорида келтирилган ахборот тизи-ми асосида 100 % электрон шаклда топширилиб келинмоқда. Топширилаётган барча ҳисоботлар тўғридан-тўғри Давлат статистика қўмитасининг марказий серверига келиб тушиши, ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобот жараён-ларига аралаштиришлари учун имкониятларни тўлиқ чеклаб қўймоқда. Бунинг натижасида ҳисоботларнинг шаффофлиги ва объективлиги таъминланмоқда.

Республикамиз давлат статистика дастурини шакллантириш, юритиш ва унинг ижросини мониторинг қилиб бориш жараёнларини таъминлаш қуйидагиларни назара тутаяди:

- статистик кузатувларга тушадиган объектларнинг ягона реестрини тузиш ва юритиш;

- статистик кузатувлар шакллари ва статистик кўрсаткичларини доимий равишда хатловдан ўтказиш механизмини шакллантириш;

- статистик кузатувлар шакллари ва статистик кўрсаткичларнинг ягона реестрини тузиш ва юритиш;

- турли даврийликдаги давлат

статистика ҳисоботлари шакллари ва улардаги кўрсаткичларни хатловдан ўтказиш ва керакли ўзгартиришларни киритиш бўйича идоралараро комиссиялар фаолияти йўлга қўйиш;


- республика статистика ишларининг бажарилиши ҳолатини юритиш ва шакллантиришнинг автоматлаштирилган инструментариyasини жорий қилиш.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ягона меъёрий-маълумотномавий ахборотлар асосидаги платформа унга интеграция қилинган идоралар ахборот тизимларининг ахборот массивларини тўлиқ тартибга солишга имкон яратади. Меъёрий-маълумотномавий ахборотлар классификациялаштириш кодларидан максимал деталлаштирилган ҳолда фойдаланиш имконини бериши статистик маълумотлар устидан юқори даражада дезагрегация қилиш асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин бўлиб, натижада эса фойдаланувчиларнинг ўзига хос сўровларини ҳам қондириши мумкиндир. Статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашни ушбу платформа доирасида

Марказлашган тизим таъминлаб бериб, уни ДСҚнинг марказий серверлари негизда ташкил қилиш керак бўлади.

Охирги йилларда бир қатор халқаро ташкилотлар миллий ва халқаро даражада расмий статистикани турли ишлаб чиқиш жараёнларини оптималлаштириш ва стандартлаштиришга йўналтирилган намунавий моделларни (GSBPM, GSIM, GAMSO, CSPA) амалиётга кенг жорий қилишга чорламоқда (3-расм). Бирлашган миллатлар ташкилотининг ушбу намунавий моделлари статистик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлашни унификациялашни таъминлайди, метамаълумотлар ва статистик маълумотларнинг интеграциясига эришади, сифат стандартларини жорий қилишни таъминлайди ва стандарт ёндашувлар асосида статистика фаолиятини модернизация қилиш жараёнларини осонлаштиради.

Ҳозирги кунда республикаимиз статистика тизимида ҳам ушбу намунавий моделларни босқичма-босқич амалиётга кенг жорий қилиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.




2-расм. Расмий статистик ҳисобни юритишнинг таркибий жиҳатлари [9]

Амалиётда статистика маълумотлари ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар бир босқичини ёритган ҳолда тўла англаб етиш ва кўра олиш имкониятини яратиш ва пировардида уларнинг очиклиги ва шаффофлиги таъминлаш мақсадида мамлакатларнинг миллий статистика идоралари томонидан "Статистик маълумотларни ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий модели"ни (GSBPM) амалиётда кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Шу ўринда, ишлаб чиқарилаётган статистика маълумотининг шарҳига (маълумотлар ва метамаълумотлар) доир аниқ бир қўлланма мавжуд эмасди. Шу боис, халқаро статистика ҳамжамияти "Статистик маълумотларни тақдим этишнинг универсал модели"ни (GSIM) ишлаб чиқишга киришган. GSIM халқаро миқёсда келишилган таърифлар, атрибутлар ва алоқалар учун маълумот базаси бўлиб, расмий статистикани ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган

маълумотлар элементларини тавсифлайди. GSIM доирасидаги ахборот объектларига мисоллар маълумотлар ва метамаълумотларни ўз ичига олади.

GSIM бутун статистик ишлаб чиқариш жараёнини қўллаб-қувватлайдиган маълумотларни тавсифлаш учун умумий тилни тақдим этади. GSIM фойдаланувчи эҳтиёжларини аниқлашдан статистик маҳсулотларни тарқатишгача бўлган ушбу жараёнларнинг босқичлари ўртасида ўтадиган маълумотларни белгилайди ва тавсифлайди. GSIM тегишли маълумотларни бошқариш SDMX ва DDI-L каби алмашиш стандартлари билан мос келади, лекин улар билан ёки бирон бир технология билан бевосита боғлиқ эмас. Умумий асос сифатида GSIM расмий статистика билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва жорий этиш стандартларини модернизация қилиш, тартибга солиш ва уйғунлаштиришда муҳим рол ўйнайди.



3-расм. GSIM фаолият кўрсатишининг умумий схемаси [10].

Умуман олганда мазкур икки модел GSBPM ва GSIM бир-бирини тўлдириб, фойдаланувчи учун тақдим этилаётган статистика маълумотининг қандай жараёнлар ва босқичлардан ўтиб тайёрланганлиги, унинг специфик (қам-

рови, методологик асослари, даврийлиги, ҳисоб-китобда қўлланиладиган статистик формулалар ва хоказо) жиҳатлари тушунарли тарзда ёритиб берилади.

Умуман олганда статистика идораларида GSIM намунавий моделини қўллаш қуйидагиларни беради:

тақдим этилаётган статистик махсулотнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлайди;

статистик маълумотларнинг сифатига ва халқаро стандартларга мос келишига бўлган ишончни оширади (статистик жараён метамаълумотларда акс этгани боис);

статистик маълумотларни халқаро даражада солиштириш ва халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базаларида акс эттириш имконияти яратилади.

Таклиф қилинаётган статистика рақамли платформада ҳам намунавий моделларнинг принцип ва ёндашувлари ўз аксини топиши керак бўлади. Давлат статистика ҳисоботларини топширувчи респондентларга юкламаларни қисқартириш статистика рақамли платформа доирасида статистика тизими олдида турган асосий масалалардан ҳисобланади. Давлат статистика кўмитаси томонидан доимий равишда статистик кузатувларни оптималлаштириш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилиб, статистик юкламаларни минималлаштириш бўйича ҳам янги инструментларни қидириб топиш керак бўлмоқда.

Охирги беш йилда давлат статистика ҳисоботларидан 14 таси, танланма кузатувлардан 5 таси ва мавсумий кузатувлардан эса 2 таси қисқартирилди. Давлат статистика ҳисоботлари асосида йиғиладиган статистик ахборотларнинг ҳажми ҳам борган сари камайтирилиб борилмоқда. Турли вазирлик ва идораларнинг маълумотларидан статистика фаолиятида кенг фойдаланиш ҳам субъектларга статистик юкламаларни камайтиришга хизмат қилмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ривожланган давлатларда расмий


статистика ахборотларининг кўпгина ҳажмини миллий статистика хизматлари маъмурий маълумотлар асосида шакллантириб келмоқда. Солиқ маълумотларидан кенг фойдаланиш ҳам кичик бизнес субъектларига бўлаётган статистик юкламаларнинг камайишига олиб келмоқда. Албатта, унда солиқ тизимининг маъмурий маълумотларининг объективлигига ҳеч қандай шубҳа туғилмаслиги керакдир.

Статистика фаолиятида "йирик маълумотлар" технологиясидан кенг фойдаланиш янада деталлаштирилган хабарларни олиш имконини яратиб бериб, олдин кузатилмаган ҳолатларни ҳам йўлга қўйишга имкон яратади, арзон статистик маълумотларни олишга олиб келади ва респондентларнинг юкламаларини камайтиради.

Ижтимоий-демографик статистикани самарали юритишда ҳам рақамли технологияларнинг тутган ўрни бекиёсдир. Мустақиллик йилларида бирор марта ҳам ўтказилмаган аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида ҳам рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчидан, рўйхатга олиш жараёнларини Интернет тармоғи асосида кенг ташкил қилиш сарф-ҳаражатларни минималлаштиради, иккинчидан, хонадонма-хонадон юриб аҳолини рўйхатга олишда электрон планшетлардан фойдаланиш ҳам иқтисодий жиҳатдан энг мақбул вариант ҳисобланади. Ушбу рақамли технологиялар функционал имкониятларидан фойдаланиш қоғозли усулга нисбатан деярли икки баробар қилинадиган харажатлар ҳажмини қисқартиради. Электрон планшетлардан аҳолини рўйхатга олишда фойдаланиш сўровлар вақтини қисқартиради,

маълумотномаларга аҳолининг тезкор киришини таъминлайди, киритилаётган маълумотларни сўровномани ўтказиш вақтида назорат қилиш имкони пайдо бўлади, кузатув ўтказиш жараёнларини автоматлаштирилган ҳолда мониторинг қилиб бориш мумкин бўлади ва ушбу планшетлардан бошқа рўйхатга олиш

жараёнларида ҳам фойдаланиш мумкиндир. Буларнинг барчаси бирламчи маълумотларнинг сифатини юксалтиради ва якуний жадвалларни олиш муддатларини ҳам қисқартиради ҳамда статистик ахборотларга бўлган талабни аниқлаш ва баҳолашга замин яратади (4-расм).



4-расм. Статистик ахборотларга бўлган талабни аниқлаш ва баҳолаш [9]

Хулоса. Статистика рақамли платформаси доирасида статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ягона технологик базасига босқичма-босқич ўтиш учун:

- 1) статистик маълумотларни қайта ишлашнинг барча босқичларини тўғри йўлга қўйишни камраб олган ягона марказлаштирилган инструментария ва формаллашган қоидаларни яратиш;
- 2) статистик маълумотларни қайта ишлашни тартибга солувчи ягона методологик ҳолатларни ишлаб чиқиш;
- 3) статистик маълумотларни қайта ишлаш қоидаларини шакллантириш ва тавсифлаш тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- 4) статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ягона марказлашган

инструментариясини ишлаб чиқиш;

- 5) статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ягона методологик асосларини амалиётда тўлиқ қўлланишини таъминлаш.

Статистика рақамли платформасини яратиш статистик маълумотларни ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг янги таркибий ва функционал моделига ўтишни таъминлаб, маълумотларнинг ягона ахборот майдони принципларини амалга ошириш, маълумотлар янги сифатини, статистик ҳисобларнинг ўзаро алоқадорлигини, бирламчи статистик маълумотларнинг бир марта тақдим қилиниши ва улардан кўп маротаба фойдаланишни ва ушбу платформанинг мамлакатимизда шаклланиб бораётган

рақамли иқтисодиётга интеграция бўлиб боришини таъминлайди.

Таклиф қилинаётган ушбу моделнинг амалиётга жорий қилиниши жамият ва давлатнинг статистик ахборотларга бўлган талабини самарали таъминлашни юксалтиради, барча бошқарув бўғинларида статистик ҳисоб билан боғлиқ бўлган бюджет харажатларини қисқартиради, респондентларга бўлган ҳисобот юқини бир неча маротаба камайтиради, статистик ҳисобни юритиш доирасида идоралараро ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлиги ва ўзаро келишиб ишлашини таъминлайди, статистик ҳисобда банд бўлган ходимлар сонини қисқартиради ва статистик ахборотларни ўз вақтида тақдим қилишга имкон яратади.

Статистика рақамли платформасини ишлаб чиқиш, ундан фойдаланиш ва такомиллаштириш куйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришишга олиб келади:

а) йиғиладиган ойлик, чораклик ва йиллик давлат статистика ҳисоботларидаги кўрсаткичлик сонини тубдан қисқартирилади;

б) респондентларга тушадиган юкламалар жиддий қисқартирилади;

в) ҳисобот даврида йиғиладиган бирламчи статистик кўрсаткичларни йиғиш муддати қисқаради;

г) чиқувчи расмий статистика ахборотларининг чиқиш муддатлари қисқаради;

д) статистика фаолияти ва расмий статистик ҳисобларни юритиш жараёнларига жалб қилинган инсон ресурсларининг қисқариши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. www.lex.uz - “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2017 йил 31 июлда № 3165.
2. www.lex.uz - “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2019 йил 9 апрелда № ПҚ-4273.
3. www.lex.uz - “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2020 йил 3 августда № 4796.
4. Kenneth C. Jane P. Menedjment information systems. Managing the Digital Firm. Printed and bound by Courier Kendalville in United States of America. Pearson Education Limited 2016.– P. 675.
5. Вендров А.М. Проектирование программного обеспечения экономических информационных систем / А.М. Вендров. - М.: Финансы и статистика, 2000. - 352 с.
6. Дик В.В. Методология формирования решений в экономических системах и инструментальные среды их поддержки / В.В. Дик. - М.: Финансы и статистика, 2000. - 300 с.



7. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Информационно-коммуникационные технологии в эффективной организации статистической деятельности в условиях формирования инновационной экономики. /Монография –Т.: Фан, 2013. – 158 с.
8. Кучкаров Т. С. Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикаси ғазначилиги ахборот тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т. : 2019. -258 б.
9. www.stat.uz ҳисоботлари.
10. GSIM фаолияти маълумотлари.